

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ МУЗРОБЖОН ГУЛАМОВИЧ**

**ЎРТА ОСИЁДАГИ МАХСУС ПОСЁЛКАЛАР ТИЗИМИ ВА  
СУРГУН ҚИЛИНГАН ҚУЛОҚЛАР ТАҚДИРИ  
(1930-1954 йиллар)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of sciences**

**Абдуллаев Музробжон Гуламович**

Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими ва сургун  
қилинган кулоқлар тақдири (1930-1954 йиллар) ..... 3

**Абдуллаев Музробжон Гуламович**

Система спецпоселений в Средней Азии  
и судьба высланных кулаков (1930-1954 гг.) ..... 33

**Abdullayev Muzrobjon Gulamovich**

The system of special settlements in Central Asia  
and the fate of exiled kulaks (1930-1954) ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 67

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ  
ИЖТИМОЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017. Tar. 01.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУЛЛАЕВ МУЗРОБЖОН ГУЛАМОВИЧ**

**ЎРТА ОСИЁДАГИ МАХСУС ПОСЁЛКАЛАР ТИЗИМИ ВА  
СУРГУН ҚИЛИНГАН ҚУЛОҚЛАР ТАҚДИРИ  
(1930-1954 йиллар)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.1.DSc/Tar.100 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tarix.uz](http://www.tarix.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Шамсутдинов Рустамбек Темирович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хасанов Бахтиёр Вахапович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Хаитов Шадмон Ахмадович**  
тарих фанлари доктори

**Кененсариев Ташманбет**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 27.06.2017. Tar.01.04 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино, 2-қават. Мажлислар зали. Тел.: (99871)227-12-24; факс: (99871)246-53-21, (99871)246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Бош бино).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.А. Маврулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Э. Юнусова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**Г.А. Агзамова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёни, янги асрда жамият кишилари дунёқарашининг ўзгариши турли мамлакатларда кечган сиёсий жараёнлардаги сабаб ва омилларни, ўзаро алоқадорлик масалаларини яхлит ҳолда тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Жаҳон цивилизацияси тарихининг саноат қурилиши ва ривожланиш даври барча давлат ва минтақаларда ижтимоий портлашлар ва талофатлар ҳисобига юзага келганки, бундан биринчи навбатда деҳқон хўжаликлари зарар кўрган. Бундай ижтимоий портлашлар жараёнида Европа, Америка, Осиё давлатларида ўнлаб миллион деҳқон хўжаликлари хонавайрон бўлгани тарихдан маълум. Бугунги кунда АҚШ, Канада, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония ва Жанубий Корея давлатларининг илмий тадқиқот марказларида индустриал жамият шаклланиш даврида деҳқон хўжаликларига нисбатан қўлланган зўравонлик чораларини умумжаҳон тарихий жараёнларига хос хусусият сифатида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

XX асрнинг 30-50-йилларида совет жамиятида юз берган сиёсий қатағонлар, мажбурий коллективлаштириш ва унинг оқибатлари масаласи ҳозирда нафақат МДҲ давлатларида, балки дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида долзарб муаммо сифатида ўрганилмоқда. Бу тадқиқотларда совет давлатидаги сиёсий тузилманинг асл моҳияти, И.В.Сталин бошчилигидаги совет раҳбарияти томонидан қишлоқ аҳолиси қатламларига нисбатан юритилган қатағон сиёсатининг юзага келиш сабаблари, кенг кўламли таъқиб ва тазйиқларнинг фожиали оқибатлари турли нуқтаи назарларда талқин этилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихшунослиги фанида илмий ютуқларга эришилиб, ортда қолган йиллар давомида ғайриилмий талқин қилинган ёки сохталаштирилган тарихий воқеаларни холисона ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар яратилди. «Биз ўтмишдаги ҳамма бузилишлар, хато ва жиноятларни қатъиян қоралаймиз ва улардан кескин воз кечамиз. Биз ўтмишимизни ва ҳозирги кунимизни ҳаққоний ва холисона танқидий таҳлил этишнинг қатъий тарафдоримиз. Биз босмачилик ҳаракати ҳақида бўлсин, коллективлаштириш, репрессиялар, турғунлик даврига оид бузилишлар бўлсин – «оқ доғ»ларнинг бутунлай тугатилиши тарафдоримиз»<sup>1</sup> – каби концептуал ёндашув XX асрнинг 30-йилларида «қулоқ» сифатида чекка ҳудудларга сургун қилинган деҳқон оилаларининг ҳаёти ва тарихий тақдирини холисона ёритишга ҳам тааллуқлидир. Бу муаммони янгича тафаккур, замонавий тарихшунослик фани талаблари даражасида тадқиқ этиш фаннинг ривожига ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, «қулоқлар сургуни»да совет жазо органларининг (ОГПУ-НКВД) роли, сургун кампанияларининг хронологик даври, босқичлари, махсус

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 166.

кўчирилганларнинг маъмурий тузилмаси, кундалик турмуши, моддий аҳволи, «собик кулоқлар»нинг мамлакат иқтисодиётидаги иштироки масалаларини тадқиқ этиш тарихшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 936-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва ҳудудлардаги олий таълим муассасалари тузилмасида Қатағон қурбонлари хотираси музейларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришда диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Совет давлатидаги қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, кулоқ қилиш ва кулоқлар сургун тарихини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг бир қатор илмий марказларида, жумладан, Россия Федерацияси Фанлар академияси Тарих институти (Россия), Чикаго, Принстон университетлари (АҚШ), Торонто университети (Канада), Оксфорд университети (Буюк Британия), Европа тарихи институти (Германия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, «Мерос» халқаро илмий амалий экспедиция жамоат фонди, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди (Ўзбекистон) да амалга оширилмоқда.

Тадқиқотларда кулоқ хўжалиklarини сургун қилиш, собик кулоқларнинг сургундаги ҳаёти масалаларига доир куйидаги илмий натижалар олинган: коллективлаштириш ва кулоқ қилиш большевиклар партияси етакчилари томонидан зўравонлик билан амалга оширилган сиёсат экани исботланиб, «кулоқлар сургунлари» босқичлари ва унинг фожиалари, сургун қилинган кулоқлар миқдори, мажбурий коллективлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари таҳлил этилган (Институт Истории РАН, Россия; University of Toronto, Канада); совет давлатидаги кулоқлар сургун қилинган минтақалар, махсус посёлкалар таркиби, собик кулоқлар меҳнатидан халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланиш масалалари умумиттифоқ миқёсида очиб берилган (Институт Истории РАН, Россия); коллективлаштиришнинг мажбуран ўтказилиши, коллективлаштиришга

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://history.uchicago.edu>, <https://www.princeton.edu>, <https://www.ox.ac.uk>, <https://www.history.utoronto.ca>, <https://www.unina.it>, <https://www.ieg-mainz.de>, <https://www.iriran.ru>, <https://www.uzhistory.uz> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

қарши деҳқонларнинг оммавий норозилик ҳаракатлари ва бу чиқишларнинг хусусиятлари илмий асосланган (Princeton University, АҚШ); большевикларнинг аграр ислоҳотлари деҳқонларга қарши оммавий қатағон сифатида баҳоланган ва бу сиёсат натижасида қишлоқ аҳолиси кўрган талофат миқдори бўйича маълумотлар умумлаштирилган (Institute of European History, Германия); Қозоғистонда коллективлаштириш оқибатлари, хусусан, 1933 йилдаги очарчилик фожиалари, ГУЛАГ лагерлари ва унинг таркиби масалалари тадқиқ этилган (Қарағанда давлат университети, Қозоғистон); Ўзбекистондаги коллективлаштириш ва унинг хусусиятлари, ижтимоий оқибатлари, ўзбек деҳқонларининг Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиниши, уларнинг оғир ҳаёти ва меҳнат фаолиятига доир маълумотлар илмий истеъмолга киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Андижон давлат университети, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди, Ўзбекистон).

Бугунги кунда Ўрта Осиё республикаларида қулоқ оилаларини сургун қилиш ва унинг ижтимоий оқибатлари бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сургун кампаниясида партия-совет органларининг маъмурий-буйруқбозлик фаолияти; қулоқ қилиш сиёсатининг миллий қишлоқлар ижтимоий ҳолатига таъсири; 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин»да махсус кўчирилганларнинг такроран қатағон қилиниши; сургундагиларнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, Ўзбекистонга бошқа ўлкалардан сургун қилиб келтирилганлар миллий таркиби, ҳаёти ва фаолияти; махсус посёлкалардаги меҳнат муносабатлари; сургун қилинганларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертациянинг биринчи боби мавзунинг манбавий асослари ва тарихшунослик масалаларига доир бўлиб, 2-параграфда муаммонинг ўрганилиш даражаси батафсил таҳлил этилган. Унда муаммога доир адабиётлар тўрт гуруҳга бўлинган: 1) 1950 йиллардан 1980 йилларгача нашр этилган ишлар; 2) 1980 йилларда – «қайта қуриш» даврида эълон қилинган тадқиқотлар; 3) мустақиллик йилларида МДХ давлатларида амалга оширилган илмий изланиш натижалари; 4) Ғарб давлатларида олиб борилган тадқиқотлар.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университети Тарих факультетининг ИТ-8.44-06. – «Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет мустамлакачилиги даври тарихи», ИТ-8.45-06. – «Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари, Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедрасининг ИТ-34-4-08. – «Россия империяси ва совет мустамлакачилиги йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт (1867-1991 йиллар)» тадқиқот йўналиши, «Мерос» халқаро илмий экспедиция жамоат фондининг «Совет ҳукуматининг Ўзбекистондаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари» тематик лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** 1930-1954 йиллар даврий чегарасида Ўрта Осиёда кулоқ оилалари сургун қилинган махсус посёлкаларнинг тизим сифатида қарор топиши ва фаолиятини, «махсус кўчирилганлар»нинг сургундаги фожиали қисматини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўрта Осиё республикаларида кулоқ оилаларининг мажбуран сургун қилиниши ва белгиланган чекка ҳудудларга жойлаштирилишини ёритиш;

махсус кўчирилганларнинг сургун ҳудудларида хўжалик жиҳатдан уюштирилиши ва уларнинг таркибини ўрганиш;

махсус посёлкалар ва махсус кўчирилганлар тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида сургундагиларнинг ҳуқуқий ҳолати ва мажбуриятларини ёритиш;

сургундагиларнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги меҳнат фаолиятини, махсус посёлкалардаги меҳнат муносабатлари ва уни рағбатлантириш масалаларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;

махсус кўчирилганлар орасида олиб борилган оммавий-сиёсий ишлар, махсус посёлкалардаги тиббий хизмат, маданий-маърифий муассасалар фаолиятини ўрганиш;

оммавий катағон йилларида (1937-1938 йиллар) «собик кулоқлар»нинг қайта катағон қилиниш жараёнларини ўрганиш ва уларнинг сонига аниқликлар киритиш;

Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларидаги собик кулоқларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ҳаёти ва урушдаги иштирокини кўрсатиб бериш;

урушдан кейинги йилларда собик кулоқ оилаларини озод қилишнинг бошланиши ва бу жараённинг «кулоқлар сургуни» тугатилгунга қадар бўлган масалаларига ойдинлик киритиш;

ўрганилган муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида тегишли хулосалар чиқариш ва бу масала юзасидан тақлиф-тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўрта Осиё республикаларида ташкил этилган махсус меҳнат посёлкалари белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** махсус посёлкаларнинг маъмурий бошқаруви, махсус кўчирилганларнинг сургундаги меҳнат фаолияти, махсус посёлкалардаги маданий-маърифий, таълим, тиббий муассасалар фаолияти каби масалалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияни тайёрлаш жараёнида ҳозирги вақтда тарих, фалсафа, социология, этнография каби фанларда қўлланилаётган замонавий методологик қарашлар – объективлик, диалектика ва детерминизм, назарий кўрсатмалар илмийлиги тамойиллари ва статистика, қиёсий таҳлил услуби асос қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўрта Осиёга сургун қилинганлар мажбурий меҳнатидан пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, чўл-дашт ҳудудларини ўзлаштириш ва ирригация иншоотлари қурилишида фойдаланишнинг хусусиятлари қиёсий услубда очиқ берилган;

минтақада махсус посёлкалар тизими шаклланишининг тўртта асосий босқичи кўрсатилган: биринчи босқич (1930 йил) – қулоқларни жойлаштириш ва меҳнатини ташкил этишнинг аниқ механизмлари йўқлиги боис, сургун жойларида оғир вазият юзага келгани, иккинчи босқич (1931 йил май-август) – махсус посёлкалар бошқаруви ОГПУ органлари зиммасига ўтказилиб, сургун қилинганлар устидан комендатура назорати ўрнатилгани, учинчи босқич (1932 йил) – янги ташкил этилган пахтачилик совхозларини арзон ишчи кучи билан таъминлаш мақсадида сургун оқимининг Ўрта Осиёга йўналтирилгани, тўртинчи босқич (1933-1936 йиллар) - Қирғизистон ва Тожикистонда янги ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилгани асосланган;

дислокация ва миллий таркибига кўра, Ўрта Осиёдаги 56 та махсус посёлканинг Ўзбекистон ССРдаги 17 тасида сургун қилинганларнинг катта қисми ўзбек, туркман, кабардин, осетин, қорачой, тожик, рус, украин, қирғизлардан иборатлиги, Қирғизистон АССРдаги 19 таси рус, украин, немис, ўзбек, даргин, лезгин, чувашлардан, Тожикистон АССРдаги 20 та посёлка таркиби Волгабўйи руслари, немис, украин, фин, эстон, турк ва молдованлардан ташкил топганлиги кўрсатиб берилган;

махсус посёлкалардаги маданий-маърифий муассасалар (клублар, кутубхоналар, қизил бурчаклар, қизил чойхоналар) фаолияти сургундагиларни «коммунистик руҳда» тарбиялашга йўналтирилгани, таълим муассасалари (саводсизликни тугатиш курслари, маҳаллий, рус, украин, козок, туркман, осетин, кабардин, қорачой тилларидаги мактаблар) фаолиятидаги моддий-техник қийинчиликлар, миллий тиллардаги дарслик ва ўқитувчилар етишмовчилиги, махсус посёлкалар тиббий муассасаларининг (амбулатория, касалхона, санизоляторлар) кадрлар, жиҳозлар ва дори-дармон таъминотидаги оғир аҳволи очиб берилган;

махсус кўчирилганларнинг сургундан озод қилиниши ва махсус посёлкаларнинг барҳам топишига таъсир кўрсатган омиллар («собиқ қулоқлар»нинг Иккинчи жаҳон уруши фронтларидаги иштироки ва фидокорона меҳнати) аниқланган, озод қилишнинг 1954 йилгача бўлган жараёнлари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг 1930-1950 йиллар тарихидаги бир қатор долзарб масалаларни замонавий тарихий билимлар генезиси даражасида ва янгича тафаккур руҳида қўллашга қаратилган назарий-услубий жиҳатлар аниқланган;

диссертацияда биринчи бор илмий истеъмолга киритилган материаллар, статистик маълумотлар, совет тузумининг деҳқон хўжаликларида қарши қўллаган қатағон сиёсатини асословчи ҳужжатлар вилоятларда ташкил этилган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейларидан жой олган;

Андижон давлат университетиде ўқитилаётган «Ўзбекистонда совет ҳукуматининг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари» мавзуидаги танлов фанининг ўқув дастури ишлаб чиқилган ва ўқув-услубий материаллари янги маълумотлар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланганлиги, муаммога доир кўплаб илмий адабиётлардан ва бирламчи манбалардан кенг фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Изланиш натижасида вужудга келган маълумотлар, хулосалар, назарий умумлаштиришлар совет давлатининг қишлоқ тадбиркорлар қатламига нисбатан юритган сиёсатини англаб етишга, «қулоқ қилиш», «қулоқлар сургуни» тарихини танқидий нуқтаи назардан ўрганишга, миллий қадриятларимизни умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ўрганиш ва бу борада халқимиз онгида тарихий тафаккур ҳосил қилишга хизмат қилади.

Тадқиқот материалларидан таълимнинг турли босқичларида ўқув машғулотларини ташкил этишда, Ўзбекистон тарихи фанидан дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейларининг фондлари ва кўрғазма залларини янги материаллар билан бойитишда ушбу диссертация материаллари амалий аҳамият касб этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1930-1954 йиллар даврий чегарасида Ўрта Осиёдаги қулоқлар сургун қилинган махсус посёлкалар тизими тарихини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларидаги қулоқ посёлкалари дислокацияси ва харитаси, махсус кўчирилганларнинг оғир ҳаёт тарзи, меҳнат фаолиятларини акс эттирувчи материаллар, махсус посёлкаларда 1937-1938 йилларда қайта қатағон қилинган собиқ қулоқлар тўғрисидаги маълумотлардан Марказий ва ҳудудий Қатағон қурбонлари хотираси музейлари экспозицияларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейининг 2018 йил 12 ноябрдаги 224-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар музей бўлимини янги маълумотлар билан бойитиб, совет тузумининг қишлоқ аҳолисига қарши олиб борган қатағон сиёсати ва амалиётининг асл моҳиятини ёритишга хизмат қилган;

қулоқ қилиш динамикаси, махсус посёлкаларга сургун қилинган деҳқонлар миқдори ва миллий таркибига оид статистик маълумотлардан, махсус посёлкалардаги ҳаёт тарзини ёритувчи материаллардан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг «Ўзбек қишлоқлари тарихи» бўлими экспозициясини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 04 декабрдаги 01-11-08-8355-сон маълумотномаси). Бу материаллар Ўрта Осиёдаги, хусусан, Ўзбекистонда советларнинг қулоқ қилиш сиёсати ва унинг оқибатларини тўлақонли ёритишга хизмат қилган;

Ўрта Осиё республикаларидаги қулоқлар сургуни, махсус посёлкалар дислокацияси, махсус кўчирилганлар таркибига оид тадқиқот натижалари,

архив ҳужжатлари ва материаллари намуналаридан Андижон вилоят давлат архиви тегишли фондларини тўлдириш ва такомиллаштиришда фойдаланилган (Андижон вилоят давлат архивининг 2018 йил 14 декабрдаги 01-19/135-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши архив фондларини янги статистик маълумотлар, хориж архив манбалари билан бойитишга, коллективлаштириш ва унинг оқибатлари тарихини ўрганиш ва чуқурроқ тадқиқ этиш имконини яратган;

кулоқлар сургуни, махсус посёлкалардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт масалалари бўйича эълон қилинган илмий мақолалардан, тадқиқот материаллари ва илмий натижаларидан «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция жамоат фонди нашрларида фойдаланилган («Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция жамоат фондининг 2018 йил 23 июндаги 0/48-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий натижалари совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқлари ҳаёти, тақдирида юз берган ўзгаришлар ҳақида янгича тарихий тафаккурни шакллантиришга хизмат қилган;

бегона юртларга сургун қилинган юртдошларимиз тақдирини ёритувчи материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Андижон вилоят телерадиоканалида 2017 йил 31 августда Қатағон курбонларини ёд этиш кунига бағишлаб эфирга узатилган «Қийратилган қисматлар», 2018 йил 9 майда намойиш этилган «Хотира ардоғи» кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Андижон вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 17 декабрдаги 20-24/470-сон маълумотномаси). Бу материаллар кўрсатувларни мазмунан бойитишга, совет тузуми даврида қишлоқ аҳолисига нисбатан зўравонлик қилиниб, азоб-уқубатларга дучор этилганини телетомошабинларга таъсирчан қилиб етказишга ҳамда юртдошларимизда бугунги фаровон ҳаётга шукроналик туйғуларини ўстиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 25 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция: «Невинные жертвы сталинских репрессий всегда в памяти народа» (Қирғизистон. Бишкек, 2017); «Актуальные проблемы востоковедения и африканистики» (Қирғизистон. Ўш, 2018) ва 23 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни бўйича жами 64 та иш эълон қилинган. Жумладан, 1 та монография, 1 та ҳужжат ва материаллар тўплами (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 26 та мақола, жумладан, 24 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 257 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиш даражаси тавсифланган, ишнинг хронологик доираси, мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган.

**«Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими мавзусининг назарий-методологик асослари, манбашунослиги ва тарихшунослиги»** деб номланган биринчи бобда махсус посёлкалар тарихини тадқиқ этишга доир назарий-методологик ёндашувлар, диссертацияни ёзишда асос бўлган манбавий материаллар ва ишнинг тарихшунослиги таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг назарий асоси Ўрта Осиёдаги махсус посёлкалар тизими тарихини танқидий нуқтаи назардан таҳлил этишдан иборат бўлдики, бу Ўрта Осиё минтақасидаги «кулоқлар сургуни» жараёнларининг эволюциясини таҳлил этиш билан бирга, сургун кампанияларининг босқичларини аниқлаш, ҳар бир босқичнинг йўналиши ва хусусиятларини кўрсатиб ўтиш, ўрганилган мавзунинг хронологик даври ва мантиқий тузилмаларини белгилаб олиш имконини берди. Замонавий илмий ёндашувларни қўллашда илмий билишнинг умумэтироф этилган объективлик, тарихийлик, тизимлилик каби тамойиллари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Диссертацияда тадқиқотлар олиб боришнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-статистик, муаммоли-хронологик, таркибий-тизимлилик каби методларидан фойдаланилди. Қиёсий-тарихий метод 1930 йилларда совет давлати қишлоқларида кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва сургун амалиётининг умумий ҳолатини алоҳида олинган минтақа – Ўрта Осиё ҳудудларидаги аҳвол билан таққослаш, ўзаро боғлиқ томонларини кўрсатиб ўтишда намоён бўлди. Муаммоли-хронологик метод диссертация бўйича тўпланган материалларни тегишли боблар ва муаммолар бўйича тақсимлашда ва муаммонинг таркибий элементларини таҳлил қилиш учун ажратишда қўлланди. Таркибий-тизимлилик методи эса совет давлати томонидан кулоқ оилаларини сургун қилишда қўлланган жазо чораларининг алоҳида компонентларини чегаралаб олишда қўл келди.

Диссертация манбаларининг асосий қисми архив материалларидан иборат. Архив ҳужжатлари ўз хусусиятига кўра бир неча гуруҳларга: а) совет давлати ва компартиянинг махфий қарор ва кўрсатмалари; б) умумий (махфий) иш юритиш ҳужжатлари; в) иқтисодий-статистик маълумотлар; г) ОГПУ-НКВД-МГБ органларининг махфий ҳисоботлари ва бошқаларга бўлинади. Биринчи гуруҳга мансуб ҳужжатлар Россия Федерацияси Давлат архиви (ГАРФ) нинг 3316-фонд (СССР МИК), 5446-фонд (СССР ХКС), 9479-фонд (СССР ОГПУ-НКВД ГУЛАГ Махсус посёлкалар бўлими), 9414-фонд (СССР ОГПУ-НКВД ГУЛАГ) материалларидир. Уларда марказий ҳукумат, республикалар қонунчилик ҳамда ижроия органларининг кулоқ оилаларини сургун қилишга доир махфий қарорлари, кўрсатмалари, махсус кўчирилганларни жойлаштириш, меҳнат фаолиятини йўлга қўйиш, тиббий-

маданий хизматни ташкил этиш билан боғлиқ ўз даврида махфий ва ўта махфий ҳисобланган қарорлар ўрин олган. Ушбу ҳужжатлар ишда илк бор илмий муомалага олиб кирилди ва таҳлил қилинди.

Тарихий-ҳуқуқий манбалар бўлмиш иш юритиш ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар асосан, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, ЎзКП(б) МК котибияти, ЎзССР ХКС ва МИК комиссиялари ҳужжатларидир<sup>3</sup>. Уларда жойлардаги қулоқ қилиш динамикаси ва сургун қилинган оилалар миқдорига доир аниқ рақамлар акс этганки, маълумотлар кечган жараёнларни айрим округ ва районлар бўйича таққослаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА) нинг 32-фонди (4-спецотдел МВД УзССР) ҳужжатлари ЎзССРнинг турли районларида ташкил этилган қулоқ посёлкалари дислокацияси, унинг ижтимоий ва миллий таркиби ҳақида аниқ маълумот олиш имконини беради.

Диссертацияда нашр қилинган архив материаллари тўпламларидан<sup>4</sup> ҳам фойдаланилди. Уларда қулоқлар сургуни тарихини умумиттифоқ миқёсида яхлит муаммо сифатида ёритувчи муҳим ҳужжат ва материаллар ўрин олганки, улар Ўрта Осиё республикаларидаги «қулоқлар сургуни» мавзусини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида қимматга эга. Уларда Ўрта Осиё республикаларида кечган жараёнлар, минтақадаги «қулоқлар сургуни»нинг ўзига хос томонлари ҳам акс этган.

2006 йилда нашр этилган уч жилдлик ҳужжат ва материаллар тўплами<sup>5</sup> ушбу муаммо манбашунослиги базасини бойитишда алоҳида аҳамиятга эга. Унда Ўрта Осиёдаги коллективлаштириш, қулоқ қилиш, қулоқлар сургуни масалаларига доир кўпгина материаллар систематик тарзда жамланган. Муҳими, бу тўплам кенг қамровли мавзунинг янги қирраларини тадқиқ этишга йўл очди.

Республикамызда нашр этилган 5 китобдан иборат «Қатағон қурбонлари» ҳужжат ва материаллар тўпламида<sup>6</sup> 1937-1938 йилларда

<sup>3</sup> РГАСПИ, 62-фонд, 2-рўйхат; ЎзР ПДА, 58-фонд, 7-рўйхат; ЎзР МДА, 837-фонд, 26-рўйхат материаллари.

<sup>4</sup> Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивания. Документы и материалы. 1927-1939. В 5 томах. – М.: РОССПЭН, 1999-2006; Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Документы и материалы в 4 томах. – М.: РОССПЭН, 1998-2005; История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. /Т.5. Спецпереселенцы в СССР /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН, 2004. – 872 с; Сталинские депортации. 1928-1953. /Под общ. ред. акад. А.Н.Яковлева; Сост.: Н.Л.Поболь, П.М.Полян. – М.: МФД: Материк, 2005; Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. Кн.2. /Отв. ред. В.Покровский, В.П.Данилов, С.А.Красильников, Л.Виола. – М.: РОССПЭН, 2006. – 1120 с. (Серия «Архивы Кремля»).

<sup>5</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы в 3-х томах. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. – Т.: Шарк, 2006. Том 1. 656 с; Том 2. 496 с; Том 3. 352 с.

<sup>6</sup> Репрессия. 1937-1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э.Ю.Юсупов. – Т.: Шарк, 2005. – 288 с; Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август-5 ноябрь) Иккинчи китоб. – Т.: Шарк, 2007. – 495 б; Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год ноябрь / Под. ред. Н.Ф.Каримова. Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Э.Ю.Юсупов, А.Мамажонов, Э.Дусматов. – Т.: Шарк, 2007. – 496 с; Репрессия 1937-1938 гг. Выпуск 4. Жертвы большого террора из Узбекистана. 1937 год, декабрь / Отв. ред. Н.Ф.Каримов, Р.Т.Шамсутдинов. Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, М.Абдуллаев, Э.Дусматов, Х. Курбанов. – Т.: Шарк, 2008. – 576 с; Қатағон қурбонлари. 5-китоб / Таҳрир хайъати Р.Шамсутдинов, Н.Каримов, Б.Ҳасанов, М.Хўжаев. Тузувчилар: Р.Шамсутдинов, Х.Қурбанов, Ж.Расулов ва бошқалар. – Т.: Шарк, 2009. – 416 б.

Ўзбекистон ва унинг ташқарисида қатағон қилинганлар бўйича муҳим маълумотлар ўрин олганки, улардан ушбу тадқиқотда кенг фойдаланилди.

«Кулоқлар сургуни» тарихини ўрганишда сургун азобини тортганлар ва улар фарзандларининг хотира ва эсдаликлари<sup>7</sup> ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, улар ўша давр руҳияти ва фожиасини тўлақонли ёритиш имконини беради.

Диссертацияда муаммо тарихшунослиги атрофлича таҳлил этилган. «Кулоқлар сургуни»нинг айрим масалаларига оид тадқиқот ишларини мазмун-моҳияти ва концептуал ёндашувларга кўра тўрт гуруҳга ажратиш мумкин: 1) совет давлатида 1950-1980 йиллар оралиғида яратилган илмий адабиётлар; 2) 1980-йилларда – «қайта қуриш» даврида эълон қилинган тадқиқотлар; 3) мустақиллик йилларида МДХ давлатларида амалга оширилган илмий изланиш натижалари; 4) Ғарб давлатларида олиб борилган тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳга мансуб тадқиқот ишлари<sup>8</sup> ўта сиёсийлаштирилган ва мафкуралаштирилган руҳда бўлиб, унда кулоқ қилиш сиёсатининг назарий масалалари, маҳаллий партия ва совет органларининг амалиётни ўтказишдаги фаолияти айрим минтақалар мисолида ёритиб ўтилган.

1960 йилларда мамлакатда мустабид режимнинг қисман юмшаши шароитида деҳқон оилалари сургуни муаммосини минтақавий миқёсда ўрганиш давом этди, бу масала айрим миллий республикалар мисолида ҳам ёритилди. Шу даврда яратилган қатор фундаментал тадқиқотларда «кулоқларни синф сифатида тугатиш» ва «синфий кураш» масалалари турли ёндашувларда талқин қилинди<sup>9</sup>. Бу даврда собиқ кулоқларни «меҳнат

---

<sup>7</sup> Эгамназаров А. Сургун (хужжатли кисса, очерklar, мақолалар). – Т.: Адолат, 1999. – 248 б; Қиёмат қарз (мақолалар). – Андижон: 1999. – 65 б; Боқий Н., Ҳамидов Ҳ. Мени ёд эт. – Тошкент: 2000. – 204 б; Иброҳим Карим. Бегона (давр фожиаси менинг тақдиримда). Биринчи китоб. – Т.: Янги аср авлоди, 2001. – 288 б; Хайдаров Г.Х. Былое и думы. (Из воспоминаний). – Худжанд: Нури маърифат, 2004. – 465 с; Иминов Т. Хотира саодати (биографик эссе). – Т.: MASHNUR-PRESS, 2018. 264 б.

<sup>8</sup> Извекова А.К. Сплошная коллективизация и ликвидация кулачества как класса на Кубани //Дисс. канд. ист. наук. – Москва: 1948. – 196 с; Плющев Г.К. Борьба за коллективизацию и ликвидацию кулачества как класса в Курском округе (1928-1931 гг.) //Дисс. канд. ист. наук. – Курск: 1948. – 178 с; Оганесян Е.В. Ликвидация кулачества как класса в Армении на основе сплошной коллективизации //Дисс. канд. ист. наук. – Ереван: 1949. – 210 с; Уваров В.Д. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации в УССР //Дисс. канд. ист. наук. – Киев: 1949. – 218 с; Гусев Т.К. Борьба за ликвидацию кулачества как класса на основе сплошной коллективизации в потребляющей полосе РСФСР (на материалах областей и автономных республик Горьковского края) //Дисс. канд. ист. наук. – М.: 1950. – 267 с; Абрамов В.А. Ликвидация кулачества как класса на основе сплошной коллективизации сельского хозяйства //Исторические записки. – М.: 1951. – С. 67-84; Ефанов К.И. Ликвидация кулачества как класса (декабрь 1929 – апрель 1932 гг.) По материалам левобережных районов Средневожского края //Дисс. канд. ист. наук. – Куйбышев: 1952. – 184 с; Медведев В.К. Ликвидация кулачества как класса в Нижневожском крае // История СССР, – М.: 1958. №4. – С. 52-63; Бергауз Р.Е. Из истории классово-борьбы на Урале в период развернутого наступления социализма на капиталистические элементы в деревне (1929-1931 гг.) – Свердловск: 1959. – 126 с.

<sup>9</sup> Селунская В.М. Борьба КПСС за социалистическое преобразование сельского хозяйства. – Москва: 1961. – 256 с; Нуритов А. К вопросу о характере и формах классово-борьбы в узбекском кишлаке (1932-1934 гг.). – Ташкент: 1962. – 124 с; Османов А.И. Борьба Дагестанской областной партийной организации за ликвидацию кулачества как класса //Дисс. канд. ист. наук. – Махачкала: 1963. – 206 с; Кукушкин Ю.С. Осуществление сельскими советами политики ликвидации кулачества как класса / Вестник Московского университета. Серия 9. История, 1966. №4; Гущин Н.Я. Классовая борьба в Сибирской деревне и ликвидация кулачества как класса / Материалы научной конференции по истории Сибири, посвященной 50-летию Великого Октября (1917-1967). – Томск: 1967. – С. 113-127; Каревский Ф.А. Ликвидация кулачества

асосида қайта тарбиялаш» масалалари ва улар тақдирининг айрим жиҳатлари ёритилган В.Т.Шуклецов, А.П.Финаров, В.А.Сидоров, Н.А.Ивницкий, И.Я.Трифоновларнинг тадқиқотлари<sup>10</sup> ҳам эълон қилинди. Бироқ, бу тадқиқотларда қулоқ қилиш ва собиқ қулоқлар тарихини очиб беришда сиёсий ва мафкуравий ёндашувлар етакчи ўринда қолган.

«Қайта куриш» йилларидаги ошкоралик жараёнида 1930-1950 йиллардаги оммавий сургунлар, халқлар депортацияси ва унинг кўлами масалалари янгича тафаккур асосида талқин қилинган, ушбу мавзу тарихшунослигининг иккинчи гуруҳига мансуб мақолалар<sup>11</sup> эълон қилинди. Уларда коллективлаштиришнинг зўравонлик усуллари, қулоқ қилишнинг репрессив шакллари танқидий таҳлилга тортилган, чекка минтақаларга сургун қилинган қулоқ оилалари сони ҳақида аниқ маълумотлар келтирилган.

Мустақиллик давридаги махсус посёлкалар феноменига алоқадор нашрларни шартли равишда бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Н.Ф.Бугайнинг мақолалари<sup>12</sup> депортация қилинган халқлар тарихининг маълум масаласига оид бўлса, В.Н.Земсков тадқиқотларида<sup>13</sup> ГУЛАГнинг таркибий қисми бўлган махсус посёлкалар тизимидаги таркибий ўзгаришлар демографик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Н.А.Ивницкий, В.Я.Шашков, В.Н.Земсковларнинг монографик тадқиқот ишларида<sup>14</sup> «қулоқлар сургунни»нинг бутун манзараси иттифоқ миқёсида таҳлил қилинган.

---

как класса в Среднем Поволжье // Исторические записки. – М.: 1967, Т. 80; Кукушкин Ю.С. Сельские советы и классовая борьба в деревне (1921-1932 гг.). – М.: Изд. Московского университета, 1968. – 132 с.

<sup>10</sup> Шуклецов В.Т. Из истории экспроприации и трудового перевоспитания кулачества в Сибирском крае /Из истории партийных и советских организаций Сибири. – Новосибирск: 1962. – С. 98-113; Финаров А.П. К вопросу о ликвидации кулачества как класса и о судьбе бывших кулаков в СССР / История советского крестьянства и колхозного строительства в СССР. – М.: 1963. – С. 203-212; Сидоров В.А. Мероприятия по трудовому перевоспитанию бывших кулаков //Вопросы истории. – М.: 1964, №11; Ивницкий Н.А. Классовая борьба в деревне и ликвидация кулачества как класса (1929-1932 гг.) – М.: 1972. – 360 с; Трифонов И.Я. Ликвидация эксплуататорских классов в СССР. – М.: Политиздат, 1975. – 318 с.

<sup>11</sup> Волобуев О.В., Кулешов С.В. Очищение. История и перестройка. – М.: 1989. – 170 с; Данилов В.П. Коллективизация... / Переписка на исторические темы. Диалог ведёт читатель. – М.: 1989. – С. 123-139; Его же. Коллективизация: как это было? /Страницы истории советского общества. Люди, проблемы, факты. – М.: 1989. – С. 108-135; Тепцов Н.В. Аграрная политика на крутых поворотах 20-30-х годов. /История и политика КПСС. – М.: 1990. – С. 47-56; Зеленин И.Е. Осуществление политики «ликвидация кулачества как класса» (осень 1930-1932 гг.) //История СССР, – М.: 1990, №6. – С. 33-49; Земсков В.Н. Спецпоселенцы: по документации НКВД-МВД СССР //Социологические исследования, – М.: 1990, №11. – С. 20-42; Бугай Н.Ф. Погружены в эшелоны и отправлены к местам поселений //История СССР, – М.: 1991, №1. – С. 32-54., ва б.

<sup>12</sup> Бугай Н.Ф. Правда о депортации чеченского и ингушского народа //Вопросы истории, 1991. №7. -С. 32-44; Его же. 20-40-е годы: депортация населения с территории Европейской России //Отечественная история, 1992. №4. -С. 37-49; Бугай Н.Ф., Броев Т.М., Броев Р.М. Советские курды: время перемен (20–60-е годы). – М.: Капъ, 1993. – 192 с; Бугай Н.Ф. Выселение советских корейцев с Дальнего Востока //Вопросы истории. – М.: 1994. №5. – С. 141-148., ва бошқалар.

<sup>13</sup> Земсков В.Н. «Кулацкая ссылка» накануне и в годы Великой Отечественной войны //Социологические исследования. – М.: 1992. №2. – С. 3-26; Его же. Спецпоселенцы (1930-1959 гг.) /Население России в 1920-1950-е годы: численность, потери, миграции: Сб. научн. трудов. – М.: 1994. – С. 145-194; Его же. Кулацкая ссылка в 1930-е годы: численность, расселение, состав. /Население России в XX веке. Т. 1. – М.: 2000; Его же. Депортации населения. Спецпоселенцы и ссыльные. Заключенные /Население России в XX веке. Т. 2. – М.: 2001; Его же. Судьба «кулацкой ссылки» в 1940-1954 гг. /Население России в XX веке. Т. 2. – М.: 2001.

<sup>14</sup> Ивницкий Н.А. Коллективизация и раскулачивание (начало 30-х годов). – М.: Магистр, 1994. – 287 с; Его же. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004. – 298 с; Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев (1930-1954 гг.) – Мурманск: 1996. – 280 с; Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960. – М.: Наука, 2003. – 306 с; Земсков В.Н. Сталинская эпоха. Экономика, репрессии, индустриализация. 1924-1954. – М.: Вече, 2018. – 304 с.

В.А.Бердинских, И.В.Бердинских, В.И.Веремьевларнинг йирик монографик тадқиқотида<sup>15</sup> совет давлатидаги махсус посёлкалар тизимининг 1930-1950 йиллардаги таркибий тузилмаси иттифоқ кўламида ўрганилган.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ва қулоқ қилиш сиёсати тарихи дастлаб Р.Х.Аминова, А.А.Голованов тадқиқотларида<sup>16</sup> объектив равишда ёритилди. Уларда коллективлаштириш ва «қулоқ қилиш» сиёсатининг зўравонликка асослангани далиллар асосида фош этилган. Р.Т.Шамсутдиновнинг алоҳида монографиялари ва ҳаммуаллифликдаги тадқиқотларида<sup>17</sup> қулоқ қилиш ва сургун мавзуси кенг кўламда тадқиқ этилган. Уларда Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган қулоқ оилаларининг ижтимоий аҳволи, меҳнат фаолияти, сургундаги қисматининг қатор жиҳатлари бирламчи манбалар асосида ёритилган. Ўзбекистоннинг совет даври тарихига оид китоб, дарслик ва маълумотномаларда<sup>18</sup> ҳам муаммонинг айрим жиҳатлари ёритиб ўтилди.

Ўзбекистондаги қулоқ қилиш, қулоқлар сургунни муаммосининг айрим масалалари М.Абдуллаев, А.Мамажонов, М.Акбароваларнинг диссертацияларида<sup>19</sup> ҳам ўз аксини топди. Б.М.Расуловнинг докторлик диссертациясида<sup>20</sup> Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш давридаги сиёсий қатағонлар ва унинг оқибатлари масаласи тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда Қирғизистон ва Тожикистонда янгича руҳда яратилган дарслик ва монографик тадқиқотларда<sup>21</sup> деҳқон хўжаликларини

<sup>15</sup> Бердинских В.А., Бердинских И.В., Веремьев В.И. Система спецпоселений в Советском Союзе 1930-1950-х годов. – М.: РОССПЭН, 2017. – 503 с.

<sup>16</sup> Аминова Р.Х. Коллективлаштириш - қашшоқлаштириш демак // Шарқ юлдузи, 1992. №12; Ўша муаллиф. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Т.: Фан, 1995. – 206 с; Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. – Т.: Фан, 1992. – 162 с.

<sup>17</sup> Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Т.: Шарқ, 2001. – 368 б; Ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида) – Т.: Шарқ, 2003. – 544 б. Шамсутдинов Р.Т., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати – Т.: Шарқ, 2005. – 336 б; Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургундаги юртдошлар қисмати. – Т.: Шарқ, 2010. – 224 б; Шамсутдинов Р., ва бошқ. Тарихнинг хасратли саҳифалари. – Т.: Шарқ, 2006. – 304 б., ва бошқалар.

<sup>18</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Т.: Шарқ, 2000; Ражабова Р.Ё., ва бошқ. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йиллар). Илмий муҳаррир А.Аскарров. – Т.: Ўқитувчи, 1994; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). – Т.: O'zbekiston, 2015.

<sup>19</sup> Абдуллаев М.Ғ. Ўзбекистонда советларнинг «қулоқ» қилиш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари (1929-1945 йиллар) /Тарих фан. ном. илмий даражаси учун диссертация. Тошкент: 2002. – 156 б; Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. //Тарих фан.ном. илмий даражаси учун дисс. автореферати. – Андижон: 2005. – 30 б; Акбарова М.Л. Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан (1929-1956 гг.) /Автореферат дисс. канд. ист. наук. – Ташкент: 2010. – 30 с.

<sup>20</sup> Расулов Б.М. Ўзбекистонда коллективлаштириш жараёнидаги сиёсий қатағонлар ва сургун қилинган деҳқонлар аҳволи (1929-1959 йй.) /Тарих фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: 2017. – 270 б.

<sup>21</sup> Асанканов А.А. История Кыргызстана (с древнейших времен до наших дней). Учебник для вузов. – Бишкек: 2009. -544 с; Политическая история Кыргызстана: Становление политической системы кыргызского общества в 1920-1930-е годы. – Бишкек: ОсОО «Демис», 2002. -339 с; Джунушалиев Дж. Время созидания и трагедий 20-30-е годы XX века. – Бишкек: 2003; Арстанов С.А. Кыргызстандагы коллективдештируунун белгисиз барактары. – Ош: 2013. – 126 с; Курбонова Ш. Переселения: как это было? – Душанбе: Ирфон, 1993. – 68 с.

қулоқлаштириш, сургун қилиш масаласи совет ҳукуматининг қишлоқ аҳолисига қарши қатағон сиёсати сифатида баҳоланган. Лекин бу ишларда сургун қилинганларнинг махсус посёлкалардаги тақдири масаласи деярли эътибордан четда қолган.

Совет давлатидаги «қулоқлар сургуни» масаласига объектив баҳо берувчи тадқиқот ишлари дастлаб хорижда эълон қилинган. Р.Конквест «Советларнинг халқлар депортацияси» китобида<sup>22</sup> аниқ фактик далилларга асосланмасада, депортациялар ва унинг хронологияси бўйича аниқ маълумотларни келтирган. «Қулоқлар сургуни» ва депортация сиёсати масаласи А.Некричнинг рус ва инглиз тилларида нашр қилинган «Жазоланган халқлар» номли асарида<sup>23</sup> бирмунча кенг таҳлил қилинган. Канадалик тарихчи Линн Виоланинг «Сталин даврининг деҳқонлар исёни: коллективлаштириш ва деҳқонлар қаршилиги маданияти» номли китобида<sup>24</sup> совет деҳқонларининг коллективлаштиришга қарши кураши қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги фуқаролар уруши сифатида талқин этилган. Л.Виоланинг бошқа бир китобида<sup>25</sup> эса, совет давлатидаги қулоқ қилиш ва махсус кўчирилганлар мавзуси ўрганилган ва тадқиқотнинг асосий қисмида ОГПУнинг қулоқ оилаларини сургун қилишдаги ролига урғу берилган. Америкалик тадқиқотчи Шейла Фицпатрик ўзининг фундаментал тадқиқотида<sup>26</sup> совет ҳукуматининг 1930 йиллардаги аграр сиёсатини таҳлил қилган. Унинг илмий хулосаларида большевиклар деҳқонларга қарши оммавий уруш олиб боргани ва ўз навбатида деҳқонлар ҳам ҳукуматга қарши турли кўринишларда кураш олиб боргани қайд этилган.

Муаммо тарихшунослигининг таҳлили кўрсатадики, ҳозиргача Ўзбекистон ва қўшни республикалар тарих фанида Ўрта Осиёдаги «қулоқлар сургуни» ва махсус кўчирилганлар тақдири масаласи яхлит бир илмий муаммо сифатида махсус ўрганилмаган.

**«Ўрта Осиёда «қулоқлар сургуни» ва махсус посёлкалар тизимининг ташкил топиши»** деб номланган иккинчи бобда қулоқ оилаларининг Ўрта Осиёнинг чекка худудларига сургун қилиниши ва унинг босқичлари ёритилган.

1930 йил бошларидан маҳаллий ҳокимият органлари қарори билан қулоқ оилалари ўлка ёки республика ташқарисига сургун қилина бошлади. Сургун қилиш бўйича асосий қоидалар СССР МИК Президиумининг 1930 йил 4 февралдаги махфий йўриқномасида<sup>27</sup> кўрсатилди. Бунга кўра, вилоят ичидаги кўчириш ишлари маҳаллий ижрокўмлар зиммасига, бошқа ўлкаларга сургун

<sup>22</sup> Conquest R. Soviet deportation of nationalities. – London – New York. 1960. – 204 p.

<sup>23</sup> Некрич А. Наказанные народы. – Нью-Йорк: Хроника, 1978. – 170 с.

<sup>24</sup> Viola L. Peasant Rebels under Stalin – Collectivization and the Culture of Peasant Resistance. – New York Oxford, Oxford University Press. 1996. – 360 p.

<sup>25</sup> Viola Lynne. The Role of the OGPU in Dekulakization, Mass Deportation and Special Resettlement in 1930. Pittsburgh, University center for international studies, University Pittsburgh, 2000. – 288 p.

<sup>26</sup> Фицпатрик Шейла. Сталинские крестьяне. Социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. / Пер. с англ. – М.: РОССПЭН, 2001. – 422 с.

<sup>27</sup> Архивы Кремля. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930 – 1940. Книга 1. / Отв. ред. Н.Н.Покровский. –М.: РОССПЭН, 2005. – С. 69-70.

қилиш ва жойлаштириш билан боғлиқ ташкилий ишлар ОГПУ зиммасига юкланди.

Диссертацияда Ўрта Осиёда кулоқ оилаларини сургун қилишнинг тўртта босқичи аниқланган ва таҳлил этилган. Биринчи босқич 1930 йилда амалга оширилди. 1930 йил 10 декабргача Ўрта Осиёдан 748 кулоқ хўжалиги тугатилиб, улардан 159 хўжалик (197 киши) 2-тоифа бўйича Қozoғистонга сургун қилинган, 349 хўжалик (1764 киши) 3-тоифа бўйича минтақа ичида кўчирилган. Бу босқичда жами 508 хўжалик (1961 киши) сургун қилинган ва округлар ичида кўчирилган. Тугатилган, лекин сургун қилинмай қолган хўжаликлар 240 та бўлган<sup>28</sup>.

Сургуннинг иккинчи босқичи 1931 йилда ўтказилди. 1931 йил 31 августгача Ўрта Осиёдан 5690 хўжалик (27466 киши) бошқа ўлкаларга сургун қилинди. Жумладан, Ўзбекистон ССРнинг 31 та районида 3818 хўжалик (17775) киши, Туркменистон ССРнинг 1 та районида 430 хўжалик (2332 киши), Тожикистон АССРнинг 17 та районида 737 хўжалик (4011 киши), Қирғизистон АССРнинг 8 та районида 705 хўжалик (3348 киши) мажбуран кўчирилди<sup>29</sup>. Шунингдек, 1931 йил ноябрь ойида Туркменистондан 1035 хўжалик (6863 киши) Ўзбекистонга кўчирилди ва Туркменистондаги кулоқ посёлкалари фаолияти тугатилди. Бу даврда Ўрта Осиёда махсус посёлкалар тизим сифатида фақат Ўзбекистон ССРда шакллантирилди.

Ўрта Осиёдаги «кулоқлар сургуни»нинг учинчи босқичи 1932 йил май-августда амалга оширилди ва бунда 2 ва 3-тоифадаги кулоқ хўжаликлари минтақа ичида сургун қилинди. 1932 йилда СССРнинг марказий районларида сургун қилиш оқими 1930-1931 йилларга нисбатан пасайгани ҳолда, Ўрта Осиёда кўпайди. Яъни, 1932 йилда Ўзбекистон бўйича 4865 хўжалик (22505 киши)<sup>30</sup>, Тожикистон бўйича 556 хўжалик (2502 киши), Қирғизистон бўйича 479 хўжалик (2148 киши), Туркменистон бўйича 143 хўжалик (644 киши)<sup>31</sup> кўчирилди. 1932 йилда Ўрта Осиё республикаларида жами 6043 хўжалик (27799 киши) минтақа ичида сургун қилинди<sup>32</sup>.

Сургуннинг тўртинчи босқичи 1933-1936 йилларда амалга оширилди. 1933 йилда мамлакатнинг турли жойларидан 268091 киши, жумладан, Ўрта Осиёдан 3672 киши бошқа ўлкаларга сургун қилинди<sup>33</sup>. СССР ХКСнинг 1935 йил 20 апрелдаги қарори билан Шимолий Кавказнинг миллий районларидан сургун қилинган 4560 киши Ўзбекистон ССРга, Ленинград области ва Карелиянинг чегара ҳудудларидан сургун қилинган 425 оила (1988 киши) Қирғизистон АССРга, 941 оила (3886 киши) Тожикистон ССРга

<sup>28</sup> РФДА, 9414-фонд, 1-рўйхат, 1943-иш, 99-варақ.

<sup>29</sup> РГАСПИ, 62-фонд, 2-рўйхат, 2520-иш, 67-варақ.

<sup>30</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 229-иш, 81–82-варақлар.

<sup>31</sup> История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7 томах. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. /Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН, 2004. – С. 179, 180, 182.

<sup>32</sup> Архив ҳужжатлари асосида муаллиф жамламаси.

<sup>33</sup> Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004. – С. 48.

жойлаштирилди<sup>34</sup>. ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1935 йил 19 мартдаги «Вахш водийсини ўзлаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида» қарорига биноан, 1936 йилнинг 7 апрелигача Вахшга жами 9948 кишидан иборат 3158 хўжалик кўчириб келтирилди<sup>35</sup>.

1931 йил июнигача сургун қилинганлар масаласи билан маҳаллий ижроқўмлар шуғулланди. Бу органлар тегишли вазифаларни бажармаслиги оқибатида махсус посёлкаларда оғир аҳвол юзага келган. Ночор турмуш туфайли касаллик ва ўлим ҳолатлари одатий тус олган, посёлкалардан қочиб кетиш жараёни кучайган. Шу боис, ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1931 йил 20 майдаги қарорига биноан, 1931 йил июль ойидан сургун қилинганларни жойлаштириш ва маиший-хўжалик жиҳатдан уюштириш ишлари билан ОГПУ органлари шуғуллана бошлади.

Диссертацияда махсус посёлкалар ва махсус кўчирилганлар тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, сургун қилинганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласи атрофлича таҳлил этилган. Қулоқ оилаларини сургун қилиш 1930 йилнинг февраль ойидан бошланганига қарамай, кўчирилганларни жойлаштириш бўйича умумиттифоқ миқёсидаги меъёрий ҳужжатлар (қонун, низом ва инструкция) йўқ эди. Умуман, 1931 йил июлигача сургун қилинганларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонунан аниқ белгиланмади ва тартибга солинмади.

1931 йил 1 июлда СССР ХКСнинг «Махсус кўчирилганларни уюштириш тўғрисида» қарори қабул қилинди<sup>36</sup>. Бу қарор махсус посёлкалар тизимининг юзага келиши ва фаолиятига кенг йўл очиб берган давлат қонуни вазифасини бажарди. Қарорда сургун қилинганларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди, махсус манзилгоҳлар ташкил этиш, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ва энг асосийси – махсус посёлкалар аҳолиси меҳнатидан фойдаланишнинг тартиблари кўрсатиб берилди<sup>37</sup>. Муҳими, бу қарорга кўра, сургун қилинганларни бошқариш ваколати ОГПУ органларига ўтказилди. ОГПУ ГУЛАГи Ўрта Осиёдаги махсус кўчирилганлар бўйича барча ишларни ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича мухтор вакиллиги орқали олиб бора бошлади<sup>38</sup>.

Махсус посёлкалар бошқаруви, шунингдек, махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ОГПУнинг 1931 йил 25 октябрдаги «Махсус посёлкалар маъмуриятининг функциялари ва махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича Муваққат низом»да<sup>39</sup> акс этди. Унда махсус кўчирилганлар ва ОГПУ комендатураларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, махсус кўчирилганларни жинойти учун жавобгарликка тортиш, прокурор назорати, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш тартиблари белгиланди.

СССР МИК Президиумининг 1931 йил 3 июлдаги «Сургун қилинган қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиблари тўғрисида»

<sup>34</sup> История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 219-220.

<sup>35</sup> Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 49.

<sup>36</sup> РФДА, 5446-фонд, 57-рўйхат, 15-иш, 81-83-варақлар.

<sup>37</sup> РФДА, 5446-фонд, 57-рўйхат, 15-иш, 82-варақ.

<sup>38</sup> РФДА, 9414-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 31–61-варақлар.

<sup>39</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 183-190.

қарорида сургун жойларида меҳнатсеварлиги, тартиблилиги, совет давлатига садоқати билан ўзларини кўрсатганларнинг фуқаролик ҳуқуқлари 5 йил мобайнида тикланиши айтилган эди<sup>40</sup>. 1934 йилда мамлакат бўйича 31364 кишининг, Ўрта Осиё махсус посёлкаларидан эса 78 кишининг фуқаролик ҳуқуқлари тикланган<sup>41</sup>. 1935-1936 йилларда эса Ўрта Осиё бўйича 502 кишининг фуқаролик ҳуқуқи тикланди, унинг 362 таси Ўзбекистон, 113 таси Тожикистон, 27 таси Қирғизистон меҳнат посёлкалари ҳиссасига тўғри келди<sup>42</sup>.

1936 йили қабул қилинган СССР янги Конституциясининг 135-моддасида меҳнат учун кўчирилганлар тўла ҳуқуқли фуқаролар деб белгиланди, уларнинг барчаси сайлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бироқ, сургундагилар тўла ҳуқуқли мақомига эга бўлишига қарамай, сургун жойидан кетиш ҳуқуқига эга эмас эди. Бу ҳол сургундагилар учун «тўла ҳуқуқлилиқ» фақат сафсата эканини кўрсатди.

1938 йил 22 октябрда СССР ХКСнинг 1143-280-с сонли «Махсус кўчирилганлар ва сургун қилинганлар фарзандларига паспорт бериш тўғрисида» қарори<sup>43</sup> эълон қилинди. Бу қарорга кўра, сургун қилинган қулоқларнинг 16 ёшга тўлган фарзандлари паспорт олишлари ва ишга жойлашиш ёки ўқиш учун бошқа ҳудудларга жўнаб кетишлари мумкин эди. 1939 йилда бу қарор бўйича «қулоқлар сургуни»дан 1824 киши озод қилинди, улар махсус посёлкалар барча аҳолисининг 0,2 фоизини ташкил қилди<sup>44</sup>.

Махсус посёлкаларни бошқариш район ва посёлка комендатуралари орқали олиб борилди. Махсус посёлкалар алоҳида маъмурий бўлак сифатида районлар таркибига кирган ва унинг бошқаруви ОГПУнинг ўлка (област) бошқармалари томонидан тайинланган посёлка комендантлари томонидан амалга оширилди. Махсус посёлкалар маъмурий бошқаруви сургун қилинганлар ҳаётининг барча жиҳатларини қамраб олган. Посёлка комендантлари ваколатлари қаторига маиший-хўжалик турмушга оид ички тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш, посёлка аҳолиси ҳисобини олиб бориш ва улар меҳнат мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш кабилар кирган<sup>45</sup>. ОГПУ комендатуралари ўз функцияларини қишлоқ советларининг маъмурий функциясига ўхшаш тарзда олиб бориши лозим бўлгани ҳолда, амалда фақат жазо муассасаси сифатида намоён бўлди.

**«Махсус кўчирилганлар меҳнатида хўжалик тармоқларида фойдаланиш»** деб номланган учинчи бобда сургун қилинган қулоқ оилаларининг яшаш шароитлари ва қишлоқ хўжалигидаги меҳнат фаолияти масаласи ёритилган.

<sup>40</sup> Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Коммунистической партии и советского правительства. 1927-1935. – М.: Изд. АН СССР, 1957. – С. 391.

<sup>41</sup> История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 208.

<sup>42</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – С. 64.

<sup>43</sup> ЎЗР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 5-иш, 70-варақ.

<sup>44</sup> Земсков В.Н. Судьба «кулацкой ссылки» (1930-1954 гг.) // Отечественная история. – М.: 1994, №1 – С. 103.

<sup>45</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 187-188.

Дастлабки йилларда сургундагиларнинг яшаш шароитлари ниҳоятда оғир аҳволда қолди. Уларни тегишли ҳудудларга жойлаштириш, хўжалигини ташкил этиш ишларига маҳаллий ҳукумат ва ижроия органлари бефарқ қараганлар. Яъни, турар жой, маиший хизмат, тиббий ёрдам, озиқ-овқат таъминоти масалаларига етарли эътибор берилмаган<sup>46</sup>. Махсус посёлкаларда ўсмирлар, меҳнатга яроқсиз қариялар, хомиладор аёллар учун ҳам соғлом эркаклар билан бир хилда меҳнат меъёрлари белгиланган. Айрим посёлкаларда махсус кўчирилганлар учун эркин ишчиларга нисбатан икки баравар кўпроқ меъёр белгиланган<sup>47</sup>.

1930 йилда Ўзбекистонда «Боёвут», «Савай», «Булунғур», «Ҳазорбоғ», «Учкўрғон», «Далварзин», «Норин» пахтачилик совхозлари ташкил қилинган бўлиб, сургун қилинган қулоқ оилаларининг асосий қисми шу совхозларга жойлаштирилган. Уларни ишчи кучи сифатида тасарруфига олган «Совхозхлопок» ташкилоти турар жой қуриш режасини бажармаганлиги боис, 1931 йил ўрталарида махсус кўчирилганларнинг турар жой билан таъминланиши «Ҳазорбоғ» совхозида – 52,7 фоиз, «Боёвут» совхозида – 47,9 фоиз, «Нарпай» совхозида – 34,1 фоиз, «Ангор» совхозида – 30,8 фоиз, «Қуйихон» совхозида эса – 22 фоиз бўлган, холос<sup>48</sup>.

Махсус посёлкаларда болалар ўлими айниқса юқори бўлган. Болалар ўлимига кўп ҳолларда эпидемик касалликлар эмас, балки маиший турмуш шароитларининг оғирлиги ва етарлича овқатлантирилмаганлик сабаб бўлган. Болалар ўлимининг юқори даражаси махсус посёлкаларда туғилишга нисбатан ўлимнинг кескин ошиб кетишига олиб келган. 1932 йилда бутун мамлакат бўйича «қулоқлар сургуни»да туғилишга нисбатан ўлим 5 баравар кўп бўлган. Ўрта Осиё махсус посёлкаларида эса бу йилда 499 киши туғилгани ҳолда 4156 киши ўлган, яъни, туғилишга нисбатан ўлим 8,3 баробар юқори бўлган<sup>49</sup>.

1933 йилда кўпгина минтақаларда юз берган очарчилик махсус кўчирилганлар бошига оғир мусибатлар солди. 1933 йилда Ўрта Осиё махсус посёлкаларида 241 киши туғилгани ҳолда 3469 киши ўлган, ёки бу йилда туғилишга нисбатан ўлим 14,4 баробар юқори бўлди<sup>50</sup>. Ўрта Осиё махсус посёлкаларида туғилишга нисбатан ўлимнинг юқори даражаси кейинги йилларда ҳам кузатилди. Чунончи, 1934 йилда 301 киши туғилгани ҳолда 518 киши ўлган<sup>51</sup>. 1935 йилда Ўзбекистонда – 578 киши туғилган, 576 киши ўлган; Қирғизистонда – 213 киши туғилган, 293 киши ўлган; Тожикистонда 64 киши туғилган ва 635 киши ўлган<sup>52</sup>.

Диссертацияда совет ҳукуматининг сургундаги қулоқларни «меҳнат асосида қайта тарбиялаш» мақсадининг асл моҳияти таҳлил этилган. Сургун қилинганларнинг арзон ишчи кучидан мамлакатнинг чекка ҳудудларида

<sup>46</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 81-варак.

<sup>47</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 82-варак.

<sup>48</sup> ЎзР МДА, Р-837-фонд, 26-рўйхат, 384-иш, 5-варак.

<sup>49</sup> РФДА, Р-9479-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 206-варак.

<sup>50</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 216-варак.

<sup>51</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – С. 37.

<sup>52</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – С. 37-38.

фойдаланиш совет давлатининг асосий мақсадларидан бири эди. Шу мақсадда 1931 йилда СССРнинг турли минтақаларига сургун қилинган 1803392 кишидан 1526522 таси бевосита ишлаб чиқаришга жалб этилди<sup>53</sup>. Ўрта Осиёга сургун қилинган қулоқ оилаларининг деярли барчаси қишлоқ хўжалиги ишларига сафарбар этилди. Улар асосан, янги ўзлаштирилган ерларда деҳқончилик ишлари билан шуғулландилар. 1932 йилда Ўрта Осиёга сургун қилинганлардан 4260 нафари қишлоқ хўжалигида банд эди<sup>54</sup>.

Махсус кўчирилганлар меҳнатидан фойдаланиш ОГПУ-НКВД органларининг хўжалик ташкилотлари билан тузган шартномалари асосида олиб борилди. Сургундагилар меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқа меҳнат шартлари бўйича эркин ишчи-хизматчиларга айрим истиснолар билан тенглаштирилдилар. Чунончи, улар касаба уюшмаларига қабул қилинмас, иш ҳақларидан 5 фоизи\* махсус посёлкалар маъмурий эҳтиёжлари учун ушлаб қолинар эди.

Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларидаги «собик қулоқлар» қишлоқ хўжалик соҳасида юқори натижаларга эришганлар. 1936 йилда Ўзбекистонда пахтачилик билан машғул бўлганлардан 1986 таси белгиланган нормани 100-150 фоиз, 145 таси 150-200 фоиз, 66 таси 200-300 фоиз, 20 таси 300 фоиздан ортириб бажарган. «Ўзсадвинтрест» тасарруфидаги боғдорчилик-узумчилик совхозларида ишлаган махсус кўчирилганларнинг барчаси нормани 100 фоиз бажарган<sup>55</sup>. 1936 йилда Ўрта Осиё меҳнат посёлкалари аҳолисига 1.988.754 пуд ғалла, 164.160 пуд пахта топшириш мажбурияти белгиланган бўлиб, 1936 йил 1 сентябридаёқ пахта топшириш мажбурияти тўла бажарилган<sup>56</sup>.

«Қулоқлар сургуни»нинг муҳим таркибий қисмларидан бири кўрик ерларни ўзлаштириш эди. 1938 йилгача махсус кўчирилганлар меҳнати билан Ўзбекистонда 986 гектар, Қирғизистонда 10920 гектар, Тожикистонда 8865 гектар кўрик ва бўз ерлар ўзлаштирилди, 9545 гектар ерга сув чиқарилди. Жумладан, Тожикистонда 6070 гектар, Қирғизистонда 2900 гектар, Ўзбекистонда 575 гектар ер суғориб экишга тайёрланди<sup>57</sup>.

1937 йилда Ўзбекистонда 570,3 тонна ғалла, 953,0 тонна пахта, 37,2 тонна мойли экинлар, 244,6 тонна картошка, 1776,3 тонна мева етиштирилди, 711,1 тонна чорва учун ем, 943,1 тонна пичан, 441,3 тонна дағал хашак тайёрланди; Тожикистонда 140,7 тонна ғалла, 4614,1 тонна пахта, 37,5 тонна картошка, 1250,8 тонна мева етиштирилди, 5942,5 тонна пичан, 441,3 тонна дағал хашак тайёрланди; Қирғизистонда 2007,9 тонна ғалла, 12,0 тонна мойли экинлар, 185,9 тонна картошка, 214 тонна мева

<sup>53</sup> Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев 1930-1954 гг. – Мурманск: 1996. – С. 139.

<sup>54</sup> РФДА, 374-фонд, 28-рўйхат, 4055-иш, 26-варак.

\* Бу микдор 1931 йил августигача 25 фоиз, 1932 йил июлигача 15 фоиз бўлган.

<sup>55</sup> История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 228-229.

<sup>56</sup> Ўша жойда.

<sup>57</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 22-варак.

етиштирилди, 179,5 тонна чорва учун ем, 1501,2 тонна пичан, 116,7 тонна силос ва 254,9 тонна дағал хашак тайёрланди<sup>58</sup>.

1937 йилда Ўзбекистон меҳнат посёлкаларида 566,1 тонна ғалла ва мойли экинлар, 926,6 тонна пахта, 5,4 тонна гўшт ва 0,5 тонна сут, Тожикистонда 4614,1 тонна пахта, Қирғизистонда 209,1 тонна ғалла ва мойли экинлар, 23,8 тонна картошка, 15,4 тонна гўшт, 42,0 тонна сут мажбурият бўйича давлатга топширилган. Шунингдек, Тожикистонда 585 тонна ғалла ва мойли экинлар, Қирғизистонда 62,4 тонна ғалла ва мойли экинлар МТСларга натура тўлови сифатида топширилган, 153,8 тонна ғалла эса мажбуриятдан ташқари давлатга сотилган<sup>59</sup>.

1938 йилда Ўзбекистон меҳнат посёлкаларидаги 13744 кишидан 6831 нафари меҳнат билан банд бўлди. Уларнинг 5352 нафари (86,4%) «Узсовхозхлопок» тизимида, 836 нафари (13,6%) боғдорчилик, сабзавотчилик ва уруғчилик совхозларида меҳнат қилганлар<sup>60</sup>. Тожикистон ССР Молотовобод районидаги 10 та меҳнат посёлкасида яшаган 1827 хўжалик 1939 йилда 13 та пахтачилик колхозларига бирлаштирилган. Бу колхозларнинг жами экин майдони 3463 гектар бўлиб, унинг 2880 гектарига пахта, 350 гектарига ғалла, 54 гектарига зиғир, 47 гектарига ерёнғоқ, 40 гектарига картошка, 5 гектарига кунжут экилган, 87 гектари боғ ва узумзорлар бўлган<sup>61</sup>.

Меҳнат посёлкаларида стахановчилик ҳаракати, ўзаро мусобақа, зарбдорлик каби меҳнат унумдорлигини оширувчи усуллар ҳам йўлга қўйилган. Бу маълум даражада ижобий самаралар ҳам берган. Масалан, Жалолкудук районидаги «Савай» совхозида собиқ кулоқлардан ташкил қилинган 13 та пахтачилик бригадасининг барчаси 1938 йилда гектаридан 30 центнерга етказиб пахта етиштириш мажбуриятини олган<sup>62</sup>. Қирғизистонда лавлагиччилик ва пахтачилик соҳасида меҳнат қилаётган махсус кўчирилганлардан 80 таси стахановчилар бўлиб, улар кунлик нормани 120-200 фоиз бажарганлар<sup>63</sup>.

1940 йилда Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларида бир кунлик иш ҳақининг ўртача миқдори 2,8 кг ғалла ва 2 сўм 75 тийинни ташкил қилдики, бу СССРдаги колхозларнинг ўртача иш ҳақи миқдоридан кўп эди<sup>64</sup>. Бу сургун қилинганлар меҳнатсеварлиги ва омилкорлигидан ва меҳнатининг самарадорлигидан далолат беради.

1938-1940 йилларда Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларида қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони йил сайин қисқариб борди. Лекин бунга қарамай, экин экилаётган ерлар майдони йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқариш маҳсулдорлиги ҳам ошиб борган.

<sup>58</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 17-варак.

<sup>59</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 18-варак.

<sup>60</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 82-варак.

<sup>61</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 56-иш, 68-71-вараклар.

<sup>62</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 92 – 93-вараклар.

<sup>63</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 59-иш, 105-варак.

<sup>64</sup> Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 184.

**«Махсус посёлкалардаги ижтимоий турмуш ва маданий-маърифий муассасалар»** деб номланган тўртинчи бобда махсус посёлкаларда олиб борилган оммавий-сиёсий тадбирлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, таълим тизимининг умумий аҳволи таҳлил этилган.

Қулоқлар сургунининг мақсадларидан бири махсус кўчирилганларни «меҳнат орқали ғоявий қайта тарбиялаш» эди. Махсус кўчирилганлар ўртасидаги оммавий-сиёсий, маданий-маърифий ишларнинг моҳияти улар онгида социалистик дунёқарашни шакллантириш эди ва унинг асосий объекти ёшлар ва болалар бўлган.

Махсус посёлкаларда оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишнинг илк босқичида кироатхоналар, клублар, қизил чойхоналар маърифий ишларнинг ҳамда ёшлар ўртасида саводсизликни тугатишнинг асосий маркази сифатида белгиланди<sup>65</sup>. 1932 йилда ЎзССРдаги 7 та посёлкада 7 та клуб ва 7 та кутубхона ташкил қилиш режалаштирилган, улар ўзбек ва туркман тилларида хизмат кўрсатиши кўзда тутилган<sup>66</sup>. Айрим посёлкаларда клублар қошида турли тўгараклар ташкил этилиб, уларга асосан ёшлар жалб қилинган. Тўгарак ишлари шундай ташкил қилинганки, унинг фаолиятида ҳам махсус кўчирилганлар ёшларини совет давлатига содиқ қилиб тарбиялаш мақсади етакчи ўринда турган. Тарбиявий ишларнинг кенг оммалашган кўриниши ёшлар ўртасида маърузалар ўқиш, сиёсий ахборотлар бериб бориш, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ташкил этиш эди. 1932-1934 йилларда махсус посёлкаларда жами 1206 та турли мазмундаги оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказилган, уларда 90841 киши қатнашган<sup>67</sup>. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, махсус кўчирилганлар фарзандларига Осоавиахим (Мудофаа, авиация ва химия қурилишига кўмаклашувчи кўнгилли жамияти), МОПР (Инқилобчиларга кўмаклашувчи халқаро ташкилот) каби ташкилотларга аъзо бўлиш, мудофаа-спорт тўгаракларига қатнашиш, «ГТО» («Меҳнат ва мудофаага тайёр») «Ворошилов ўқчиси» нишонлари учун норма топшириш таъқиқланган эди<sup>68</sup>.

Диссертацияда махсус посёлкалардаги тиббий хизматнинг аҳволи атрофлича ёритилган. Сургуннинг илк йилларида махсус посёлкаларнинг тиббий-санитар ҳолати оғир бўлиб, буни сургун қилишнинг репрессив усуллари юзага келтирганди. Кимсасиз жойларда ташкил этилган посёлкаларда дастлаб касалхоналар, тиббий пунктлар ва тиббий ходимлар бўлмаган. Бундай оғир аҳвол сургун қилинганлар орасида турли касалликларнинг кўпайишига олиб келган. Айниқса, ёз мавсумида терлама, безгак каби юқумли касалликлар, ошқозон-ичак касалликлари кўп тарқалган<sup>69</sup>. Оқибатда оммавий касалланиш ва ўлим даражаси юқори бўлган.

Фавқулодда ҳолат юзага келиши муносабати билан СССР ХКС 1932 йил 21 февралда «Махсус кўчирилганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва

<sup>65</sup> История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 219.

<sup>66</sup> ЎзР МДА, 837-фонд, 26-рўйхат, 384-иш, 66-варак.

<sup>67</sup> ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1668-иш, 52-варак.

<sup>68</sup> Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 285.

<sup>69</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 72-73-вараклар.

санитар ҳолат тўғрисида» қарор қабул қилган<sup>70</sup>. Унда махсус посёлкалардаги умумий яшаш шароитларини яхшилаш, эпидемик касалликларнинг олдини олиш ва болалар ўлими даражасини пасайтиришга қаратилган қатор тадбирлар белгиланган.

1938 йилнинг 1-чорагида ЎзССР меҳнат посёлкаларида ич терлама, цинга, трахома, туберкулёз, тиф, ўткир ичак яллиғланиши ва бошқа юқумли касалликлар билан оғриган 4592 киши қайд қилинган ва уларнинг 96 нафари вафот этган. Йилнинг иккинчи чорагида эса бундай касалликларга чалинганлар 6425 кишини ташкил этган ва 118 киши вафот этган<sup>71</sup>. Ачинарлиси шуки, турли касалликларга чалинганлар ва унинг оқибатида вафот этганларнинг кўпчилигини ёш болалар ташкил қилган. Тиббий хизматнинг оғир ҳолати кейинги йилларда ҳам кузатилган. 1941 йилнинг 1-ярмида ЎзССР меҳнат посёлкаларида турли касалликлардан 162 киши ўлган, уларнинг 113 таси 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар эди<sup>72</sup>.

«Қулоқлар сургуни»нинг илк йилларида махсус кўчирилганлар учун мактаб таълимини йўлга қўйиш деярли ҳал қилинмаган эди. Бу даврда асосий эътибор сургун қилинганларни маиший-хўжалик жиҳатдан уюштиришга қаратилди. Ҳолбуки, 1930-1931 йилларда мамлакат бўйича сургун қилинганлар орасида ярим миллиондан ортиқ болалар бўлиб, уларнинг асосий қисмини мактаб ёшидаги болалар ташкил қилган<sup>73</sup>.

Ўрта Осиёдаги махсус посёлкаларда мактаб ёшидаги болаларни ўқишга жалб этиш 1931 йил охирларида бошланган ва 290 ўқувчиси бўлган фақат 3 та мактаб очилган, бу мактабларда ўқитувчилар, миллий тиллардаги дарсликлар етишмаган<sup>74</sup>. ЎзССР махсус посёлкаларида мактаблар барпо этиш режасига кўра, 1932 йил сентябригача 6 та мактаб қуриш, ўсмирлар мактаби биноларидан 1-босқич мактаб эҳтиёжи учун ҳам фойдаланиш кўзда тутилган. Бу пайтда махсус посёлкаларда 8-11 ёшдаги болалар 1134 та, 12-15 ёшли ўсмирлар 711 та бўлиб, мактаб ёшидаги 1845 нафар боланинг 721 таси ўзбеклар, 1124 таси туркманлар эди<sup>75</sup>.

Таълимни йўлга қўйишдаги асосий муаммолардан бири ўқитувчи кадрлар етишмаслиги эди. Мактабларда ўқитувчилар етишмаганлиги боис, миллий тиллардаги дарслар махсус кўчирилганларнинг ўзлари томонидан олиб борилган. Масалан, 1932 йилда Ўзбекистон ССР махсус посёлкалари мактабларида 12 нафар махсус кўчирилган ўқитувчи туркман тилида машғулот олиб борган<sup>76</sup>. 1935 йил охирларида Ўзбекистондаги мавжуд 15 та меҳнат посёлкасида мактаб ёшидаги болалар 3279 нафар бўлган. Улар 54 та бошланғич ва 9 та тўлиқсиз ўрта мактабда таълим-тарбия олишган. Бироқ, меҳнат посёлкаларидаги 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган 2566 нафар боладан 362

<sup>70</sup> Архивы Кремля. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. Кн.1. – С. 508-510.

<sup>71</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 98-99-варақлар.

<sup>72</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 71-варақ.

<sup>73</sup> Ивницкий Н.А. Судьба раскулаченных в СССР. – С. 277.

<sup>74</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 320.

<sup>75</sup> ЎзР МДА, 837-фонд, 26-рўйхат, 384-иш, 62-варақ.

<sup>76</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 69-варақ.

нафари (14,1%), 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган 713 нафар ўсмирдан 467 нафари (65,5%) таълимга жалб этилмаган<sup>77</sup>.

Таълим соҳасидаги оғир аҳвол фақат Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларига эмас, балки мамлакатдаги барча меҳнат посёлкаларига хос кўриниш эди. СССРнинг турли минтақаларидаги махсус посёлкаларда таълим-тарбия тизимининг ўта ночорлигига эътибор берган ҳолда, СССР ХКС ва ВКП(б) МК 1935 йил 15 декабрда «Меҳнат посёлкаларидаги мактаблар тўғрисида» қарор қабул қилди<sup>78</sup>. Унга кўра, меҳнат посёлкалари мактабларини назорат қилиш, уларни ўқитувчилар, дарсликлар билан таъминлаш ва молиялаштириш ишлари жойлардаги маориф бўлимларига ўтказилди. Энг муҳими, қарорда тўлиқсиз ўрта мактабни битирган махсус кўчирилган фарзандлари техникум ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларига, ўрта мактабни битирганлар эса олий ўқув юртларига умумий асосда қабул қилиниши белгиланди. Умуман, махсус посёлкаларда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш, уни талаб даражасида йўлга қўйиш ишлари жуда қийинчиликлар билан кечди. Бу жараён узоқ давом этди ва 1937 йилдагина маълум бир тизимга солинди. 1936-1940 йилларда сургун қилинганлар фарзандларининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши амалда «қулоқлар сургуни»дан озод бўлишнинг нисбатан кенг авж олган воситасига айланиб борди.

Диссертациянинг «**Оммавий қатағон, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ва ундан кейинги даврда махсус кўчирилганларнинг тарихий тақдири**» деб номланган бешинчи бобида махсус меҳнат посёлкаларидаги собиқ қулоқларнинг 1937-1938 йилларда қайтадан қатағон қилиниши, махсус посёлкалар тизимининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги умумий ҳолати таҳлил этилган.

1937-1938 йиллар совет давлатида тоталитар тузум томонидан жамиятга нисбатан оммавий қатағонлар авж олдирилганлиги билан тарихга кирди. Оммавий қатағон махсус посёлкаларга сургун қилинганлар тақдирида ҳам машъум из қолдирди. 1937 йил 10 августидан Ўрта Осиё республикаларида оммавий қатағон авж олиб, 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича «қулоқлар»дан 5924 киши, «жиноятчилар»дан 1679 киши, бошқа «советларга қарши унсурлар»дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган<sup>79</sup>.

Қатағон қилинганларнинг маълум бир қисмини меҳнат посёлкаларидаги собиқ қулоқлар ташкил қилди. 1937-1938 йилларда Тожикистонда 405 киши, Қирғизистонда 193 киши, Ўзбекистонда 156 киши асоссиз ва сохта айблар билан қатағон қилинган<sup>80</sup>. 1937 йилда ЎзССР НКВДси ҳузуридаги «учлик»

<sup>77</sup> ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1668-иш, 50-варақ.

<sup>78</sup> Архивы Кремля. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. Кн.1. – С. 693-694.

<sup>79</sup> Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. В 5 томах. 1927-1939. Т. 5. Кн. 1. – С. 387-388.

<sup>80</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – С. 58-59.

97 нафар махсус кўчирилган устидан ҳукм чиқарган, улардан 23 таси отув жазосига, 66 таси 10 йиллик, 8 таси 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Улардан ўзбеклар 69 кишини (19 таси отув, 43 таси 10 йиллик қамоқ, 7 таси 8 йиллик қамоқ), руслар 9 кишини (1 таси отув, 8 таси 10 йиллик қамоқ), украинлар 4 кишини (барчаси 10 йиллик қамоқ), кабардинлар 4 кишини (1 таси отув, 3 таси 10 йиллик қамоқ), туркманлар 3 кишини (1 таси отув, 2 таси 10 йиллик қамоқ), тожиклар 3 кишини (2 таси 10 йиллик, 1 таси 8 йиллик қамоқ), осетинлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ), уйғурлар 1 кишини (отув), ингушлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ), доғистонликлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ), болгарлар 1 кишини (10 йиллик қамоқ) ташкил қилган<sup>81</sup>. Булар фақат «учлик» томонидан жазога маҳкум қилинганлар бўлиб, бу ҳисобга суд томонидан жазоланганлар қўшилмаган.

1937-1938 йилларда иттифоқ бўйича меҳнат посёлкаларидан қатағон қилинганлар аҳолининг ўртача 4% ини ташкил қилди. РСФСР бўйича бу кўрсаткич 4,5%, Ўзбекистонда 1,1%, Қирғизистонда 1,6%, Тожикистонда 4,3% ни ташкил этди<sup>82</sup>.

Диссертацияда махсус посёлкаларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги умумий аҳволи ва собиқ кулоқларнинг урушдаги иштироки масаласи ҳам махсус тадқиқ этилган. Уруш арафасида Ўзбекистон ССРдаги 14 та меҳнат посёлкасида 12078, Тожикистон ССРдаги 18 та посёлкада 8588, Қирғизистон ССРдаги 18 та посёлкада 7236 киши бор эди<sup>83</sup>. Уруш бошланиши билан посёлкаларда тартиб-қоидалар, назорат ишлари кучайтирилди, озод қилиш тўхтатилди. Жазо чоралари кескинлашиб, меҳнат интизомини бузганлар ҳам судга берилди бошлади. Посёлкалардан қочганлар халқ судлари орқали эмас, НКВД нинг махсус йиғини орқали жиноий жавобгарликка тортилиши белгиланди<sup>84</sup>. Посёлкаларда собиқ «босмачилар» ва советларга қарши кайфиятдаги кишилар НКВД айғоқчилари томонидан кузатувга олинган. 1941-1942 йилларда ЎзССР меҳнат посёлкаларидан 283 киши собиқ «босмачи» сифатида, 279 киши «аксилинқилобчи» сифатида оператив рўйхатга олинган<sup>85</sup>.

Сургундагилар уруш йилларида матонат билан меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса кўшди. Бекобод районидаги Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артели 1942 йилда давлат мажбуриятларини барча маҳсулотлар бўйича 100 фоиздан ошириб бажарган, артель аъзолари «Совет Ўзбекистони» танк колоннаси қурилишига 72909 сўм ўтказган. 1941-1942 йилларда артель томонидан фронтга совға тариқасида 300 кг гуруч, 500 кг гўшт, 100 литр вино жўнатилган, 1943 йилда эса қизил армия фонди учун 20 гектар ерга шоли экилган<sup>86</sup>. Тожикистон ССР меҳнат сургунидагилар 1942 йилда 1008880 сўмлик, 1943 йилда 1147025 сўмлик ҳарбий заёмга ёзилганлар, мудофаа фондига ҳам катта маблағ йиғилган. Меҳнат посёлкаларида

<sup>81</sup> Архив ҳужжат ва материаллари тўпламлари асосида диссертант жамламаси.

<sup>82</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – С. 62-63.

<sup>83</sup> РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 160 –167-варақлар.

<sup>84</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 38-варақ.

<sup>85</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 5-варақ.

<sup>86</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 368-369.

стахановчилик ҳаракати йўлга қўйилиб, «собик қулоқлар»дан ташкил топган колхозлар экин режасини бир неча йил мобайнида областда биринчи бўлиб бажариб келган<sup>87</sup>.

Урушгача ва урушнинг дастлабки даврида сургун қилинганлар қизил армияга олинмаган. Ҳолбуки, уруш бошланган пайтда иттифоқ бўйича меҳнат посёлкаларида 100 мингдан ортиқ чақириқ ёшидаги эркаклар бўлиб, улар 10-12 йилдан бери ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланиб келмоқда эди. 1942 йил март ойида СССР ХКСнинг «Меҳнат учун кўчирилганлар фарзандларининг ҳарбий мажбуриятни ўташлари тўғрисида» қарори қабул қилинди<sup>88</sup>. Унда НКВД ГУЛАГ меҳнат посёлкаларида яшаётган, сургун қилинган пайтда хўжалик бошлиғи бўлмаган эркакларни умумий асосда ҳарбий хизматга олиш, қизил армияда бир йилдан ортиқ хизмат қилиб, қўмондонликнинг ижобий тавсифномасига сазовор бўлганларни сургундан озод қилиш кўрсатилди<sup>89</sup>.

1942 йил 15 апрелидан 15 майгача меҳнат сургунидагилардан 35 минг киши қизил армияга олинди. Бу рақам 1942 йил июнь ойида 50 мингдан зиёдга кўпайди<sup>90</sup>. 1942 йил 20 майгача ЎзССР меҳнат посёлкаларидан 1126 киши урушга олинди, посёлкаларда яна 2084 нафар чақириқ ёшидагилар бор эди<sup>91</sup>. Бу вақтда Ўрта Осиё меҳнат посёлкаларидаги ҳарбий сафарбарлик фақат Ўзбекистонда ўтказилди.

СССР НКВДнинг 1942 йил 22 октябрдаги 002303 рақамли буйруғига биноан, урушга олинганлар ва оила аъзолари меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқарилди ва уларга паспорт бериладиган бўлди<sup>92</sup>. Шунингдек, меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқарилганлар маошларидан олиб қолинаётган 5 фоизлик чегирма ҳам бекор қилинди. 1942 йил 1 ноябрида меҳнат посёлкаларидан армияга сафарбар қилиш ишлари якунланди. Бу давргача СССРдаги 25 та сургун минтақасидан 60747 киши, жумладан, Ўзбекистон ССРдан 1658 киши, Тожикистон ССРдан 812 киши, Қирғизистон ССРдан 767 киши урушга олинди<sup>93</sup>.

Уруш йилларида сургун қилинган қулоқларга муносабат ижобий томонга ўзгарди. Собик қулоқларнинг фронтдаги жасорати ва фронт ортидаги меҳнати муҳим омил сифатида уларни сургундан оммавий озод қилинишларига йўл очди. Уруш йилларида махсус посёлкалар аҳолиси депортация қилинган халқлар ҳисобига узлуксиз кўпайди, айти пайтда бу аҳоли таркибида «собик қулоқлар» салмоғи тобора қисқариб борди.

Урушдан кейинги даврда «собик қулоқлар»ни озод қилиш жадал тус олди. 1945 йилда махсус посёлкалардаги «собик қулоқлар» контингентидан 16 ёшга тўлганларнинг барчаси тўғридан-тўғри озод қилинди. СССР Ички

<sup>87</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.2. – С. 379.

<sup>88</sup> История Сталинского ГУЛАГа. /Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 472-473.

<sup>89</sup> История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 473.

<sup>90</sup> Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Жангчи ўзбек «қулоқ»лари. // Фан ва турмуш, 2000. №6. – Б. 28.

<sup>91</sup> Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. – С. 236.

<sup>92</sup> История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 578.

<sup>93</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – С. 103.

ишлар министрлиги\* ва СССР Прокуратурасининг 1946 йил 28 сентябрдаги буйруғи бўйича Ватан урушида қатнашган, қизил армия сафида хизмат қилаётган фарзанди бўлган оилалар, ҳукумат мукофотлари билан тақдирланганлар, эркин фуқаролар билан турмуш қурган аёллар сургундан озод қилинди<sup>94</sup>.

1946-1947 йилларда бир қатор республика ва ўлка бошқарув органлари махсус посёлкалардан «собик қулоқлар»ни бутунлай озод қилиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу ғоя дастлаб Ставрополь ўлка партия комитетининг 1946 йил 11 июнда Сталин номига юборган сўровномасида илгари сурилди<sup>95</sup>. 1946 йил сентябрь ойи охирларида бу ўлкадаги собик қулоқлар тўла озод қилиниб, махсус посёлкалар тугатилди. Бу каби озод қилишлар Ўрта Осиё республикаларида ҳам юз берди. 1947 йил ўрталарида Қирғизистон ССР ва Тожикистон ССР партия-совет органлари республикаларидаги махсус посёлкалардан «собик қулоқлар»ни озод қилиш юзасидан СССР Министрлар Советига таклиф киритади. СССР Министрлар Советининг 1947 йил 29 сентябрдаги 3375-1101-сс рақамли қарори ва СССР ИИВнинг 1947 йил 7 октябрдаги 001044 рақамли буйруғи асосида бир қанча республика, автоном республика, ўлка ва вилоятлар қаторида Қирғизистон ССР ва Тожикистон ССРдаги махсус посёлкалардан «собик қулоқлар» озод қилинди. Чунончи, Қирғизистон ССР махсус посёлкаларидан 4771 нафар, Тожикистон ССР махсус посёлкаларидан 5182 нафар «собик қулоқлар» махсус ҳисобдан чиқарилди<sup>96</sup>.

1947 йил охирларида собик қулоқларни минтақалар бўйича озод қилиш жараёни тўхтаб қолди. Бу муаммони ҳал қилиш асосан, маҳаллий ҳукумат ташаббусига боғлиқ бўлиб, улар собик қулоқлар меҳнат қилаётган хўжалик ташкилотлари ишчи кучисиз қолишидан чўчиган эди. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон ССРда ва бошқа бир қатор минтақаларда «қулоқлар сургуни» кейинги йилларда ҳам давом этди.

Ниҳоят, 1951 йил 21 декабрда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси Н.Муҳитдинов республикадаги махсус посёлкалардан собик қулоқларни озод қилиш бўйича СССР Министрлар Советига таклиф киритади<sup>97</sup>. Бу вақтда ЎзССР махсус посёлкаларида ўзбек, тожик, рус ва бошқа миллатларга мансуб 5361 нафар «собик қулоқлар» бўлган<sup>98</sup>. Таклиф 1952 йил 7 январда СССР Давлат хавфсизлиги министрлиги томонидан маъқулланиб, Министрлар Советига тақдим этилган. СССР Министрлар Советининг 1952 йил 10 январдаги махсус қарори ва СССР ДХМнинг 1952 йил 23 январдаги буйруғи асосида Ўзбекистон ССР махсус посёлкаларида «собик қулоқлар» устидан ўрнатилган махсус режим бекор қилиниб, жами 5287 киши озод қилинди<sup>99</sup>.

\* 1946 йил ўрталарида НКВД МВД сифатида қайта ташкил этилган.

<sup>94</sup> ЎзР ИИВА, 32-фонд, 1-рўйхат, 53-иш, 151-варақ.

<sup>95</sup> История Сталинского ГУЛАГа. / Т.5. Спецпереселенцы в СССР. – С. 785-786.

<sup>96</sup> Қаранг: Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.3. – С. 198.

<sup>97</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. Т.3. – С. 196-197.

<sup>98</sup> Ўша жойда.

<sup>99</sup> Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР 1930-1960. – С. 147.

1952 йилда «қулоқлар сургуни» расман тугатилган бўлишига қарамай, айрим жойларда «собик қулоқлар» миллий белгисига кўра (немислар, қолмиқлар, чеченлар ва бошқалар) депортация қилинган халқлар таркибига қўшиб юборилган ва озод қилинмаган эди. 1954 йил 14 майда СССР ИИВнинг «Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш даврида сургун қилинган немис – собик қулоқларни махсус посёлкалар ҳисобидан чиқариш тўғрисида»ги кўрсатмаси чиқарилди. Бу кўрсатма бўйича Тожикистон ССРдан 357 киши озод қилинган<sup>100</sup>.

1954 йил 13 августда СССР Министрлар Совети «қулоқлар сургуни»га батамом барҳам берган 1738–789сс рақамли «Собик қулоқлар ва бошқа шахслардан махсус манзилгоҳлар бўйича чекловларни бекор қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди<sup>101</sup>. Қарорда махсус посёлкалар ҳисобида турган, 1929-1933 йилларда ёппасига коллективлаштириш бўйича сургун қилинган барча «собик қулоқлар»дан комендатура назорати бекор қилинди. 1954 йилда Ўзбекистон ССР махсус посёлкаларида 1930-1933 йилларда сургун қилинган немис деҳқонларидан 527 таси бор эди. Улардан 475 таси СССР ИИВнинг 1954 йил 14 майдаги кўрсатмаси бўйича, 52 таси эса СССР Министрлар Советининг 1954 йил 13 августдаги қарори бўйича озод қилинди<sup>102</sup>. Умуман, бу қарор бўйича йил охиригача иттифоқ бўйича 11864 нафар «собик қулоқлар» озод қилинди ва махсус посёлкалар ҳисобида бу контингент вакиллари умуман қолмади.

## ХУЛОСА

Ўрта Осиёдаги махсус меҳнат посёлкалари тизими ва махсус кўчирилганлар тақдири масаласини илмий тадқиқ этиш қуйидаги **хулосаларга** асос бўлди:

1. Совет ҳукуматининг 1930 йиллардаги қишлоқ хўжалигини «социалистик асосда» қайта қуриш бўйича аграр сиёсати, хусусан, «қулоқлар сургуни» сиёсати миллий қишлоқлар ривожининг объектив заруриятларига ва умуман, жамият ривожланишининг тарихий қонуниятларига боғланмаган эди. Бу сиёсат шакл ва усулларига кўра зўравонликка асосланган, деҳқонларга қарши қаратилган репрессив хусусият касб этди.

